


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

2023

2011 йилдан чиқа бошлаган

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI  
**AXBOROTNOMASI**



**В Е С Т Н И К**  
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ

СПЕЦВЫПУСК ПОСВЯЩЁН  
50-летию образования Ташкентского  
областного филиала Республиканского  
научно-практического центра  
судебно-медицинской экспертизы

**11 сентября 2023**



Выпуск набран и сверстан на компьютерном  
издательском комплексе  
редакционно-издательского отдела  
Ташкентской медицинской академии

Начальник отдела: М. Н. Аслонов

Редактор русского текста: О.А. Козлова

Редактор узбекского текста: М.Г. Файзиева

Редактор английского текста: А.Х. Жураев

Компьютерная корректура: З.Т. Алюшева

Учредитель: Ташкентская медицинская академия

Издание зарегистрировано в Ташкентском Городском  
управлении печати и информации  
Регистрационное свидетельство 02-00128

Журнал внесен в список, утвержденный приказом №  
201/3 от 30 декабря 2013года  
реестром ВАК в раздел медицинских наук

Рукописи, оформленные в соответствии  
с прилагаемыми правилами, просим направлять

по адресу: 100109, Ташкент, ул. Фароби, 2,  
Главный учебный корпус ТМА,

4-й этаж, комната 444.

Контактный телефон: 214 90 64

e-mail: rio-tma@mail.ru

rio@tma.uz

Формат 60x84 1/8. Усл. печ. л. 9,75.

Гарнитура «Cambria».

Тираж 150.

Цена договорная.

Отпечатано на ризографе  
редакционно-издательского отдела ТМА.  
100109, Ташкент, ул. Фароби, 2.

Вестник ТМА, 2023

**РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ**

**Главный редактор**

проф. А.К. Шадманов

**Заместитель главного редактора**

проф. О.Р.Тешаев

**Ответственный секретарь**

проф. Ф.Х.Иноятова

**Ответственный за выпуск**

к.м.н. Шодиев Г.Б.

доцент И.И. Бахриев

**ЧЛЕНЫ РЕДАКЦИОННОЙ КОЛЛЕГИИ**

акад. Аляви А.Л.

проф. Билалов Э.Н.

проф. Гадаев А.Г.

акад. Каримов Ш.И.

проф. Комилов Х.П.

акад. Курбанов Р.Д.

проф. Мавлянов И.Р.

акад. Назыров Ф.Г.

проф. Нажмутдинова Д.К.

проф. Саломова Ф.И.

акад. Соатов Т.С.

проф. Ходжибеков М.Х.

проф. Шайхова Г.И.

проф. Жае Вук Чои

**Члены редакционноого совета**

д.п.н. Абдуллаева Р.М. (Ташкент)

проф. Акилов Ф.О. (Ташкент)

проф. Аллаева М.Д. (Ташкент)

проф. Ахмедов Р.М. (Бухара)

проф. Гиясов З.А. (Ташкент)

проф. Ирискулов Б.У. (Ташкент)

проф. Каримов М.Ш. (Ташкент)

проф. Каюмов У.К. (Ташкент)

проф. Исраилов Р.И. (Ташкент)

проф. Охунов А.О. (Ташкент)

проф. Парпиева Н.Н. (Ташкент)

проф. Рахимбаева Г.С. (Ташкент)

проф. Ризамухамедова М.З. (Ташкент)

проф. Сабилов У.Ю. (Ташкент)

проф. Сабирова Р.А. (Ташкент)

проф. Халиков П.Х. (Ташкент)

проф. Хамраев А.А. (Ташкент)

проф. Холматова Б.Т. (Ташкент)

проф. Шагазатова Б.Х. (Ташкент)

Бобоназаров С.С., Лочинов Ф.Н. МИОКАРД ИНФАРКТИ: СУД-ТИББИЙ ЭКСПЕРТИЗАНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ	61
Ботиров Т.К. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТРАВМАТИЗМИНИНГ СУД-ТИББИЙ АҲАМИЯТИ	65
Дилов Э.Ш., Примухамедова Х.И., Арсланова А.Н. АМФЕТАМИН ҲОСИЛАЛАРИ -ЭФЕДРИН, МЕТАМФЕТАМИН, ПЕРВИТИН, ПСЕВДОЭФЕДРИННИНГ ОРГАНИЗМГА ТАЪСИР МЕХАНИЗМИНИ ЎРГАНИШ	68
Ибрагимов И.С., Ботиров А.Б. ЮРАК ИШЕМИК КАСАЛЛИКЛАРИДАН ЎЛИМ ҲОЛАТЛАРИНИ СУД-ТИББИЙ АҲАМИЯТИ	70
Индиаминов С.И., Жуманов З.Э. ДИАГНОСТИКА ПОСМЕРТНЫХ ИЗМЕНЕНИЙ И ИХ ЗНАЧЕНИЕ ПРИ УСТАНОВЛЕНИЕ СРОКИ НАСТУПЛЕНИЕ СМЕРТИ В УСЛОВИЯХ ЖАРКОЙ АРИДНОЙ ЗОНЫ	72
Индиаминов С.И., Жуманов З.Э. ОСОБЕННОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ И ДИНАМИКИ ТРУПНЫХ ЯВЛЕНИЙ В РАЗНЫХ ТЕМПЕРАТУРНЫХ УСЛОВИЯХ СУХОЙ АРИДНОЙ ЗОНЫ, ПОСЛЕ МАССИВНОЙ КРОВОПОТЕРИ И ПОВЕШЕНИЕ	79
Индиаминов С.И., Жуманов З.Э. МАССИВ ҚОН ЙЎҚОТИШ ҲОЛАТИ ПОСТМОРТАЛ ДАВРИНИНГ ТУРЛИ МУДДАТЛАРИДА БОШ МИЯ ТУЗИЛМАЛАРИДАГИ АУТОЛИЗ ЖАРАЁНИ ДИНАМИКАСИНИНГ ИССИҚ АРИД ЗОНАДА ЎЛИМ СОДИР ЭТИЛГАН ВАҚТНИ АНИҚЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ	87
Индиаминов С.И., Жуманов З.Э. ИССИҚ АРИД ЗОНАТ ШАРОИТИДА СТРАНГУЛЯЦИОН МЕХАНИК АСФИКСИЯ ҲОЛАТИДАН ЎЛИМНИНГ ТУРЛИ МУДДАТЛАРИДА ЖИГАР ТУЗИЛМАЛАРИДАГИ АУТОЛИТИК ЖАРЁН ДИНАМИКАСИНИНГ ДИАГНОСТИК АҲАМИЯТИ	91
Индиаминов С.И., Жўраев И.Ф. ЙИРИК БЎҒИМЛАР БОҒЛАМАЛАРИ ЧЎЗИЛИШИ ВА УЗИЛИШИ ҲОЛАТЛАРИНИНГ СУД ТИББИЙ ТАВСИФИ	95
Индиаминов С.И., Жўраев И.Ф. БЎҒИМ ИЧИ СИНИШЛАРИНИНГ СУД ТИББИЙ ЖИҲАТЛАРИ	98
Индиаминов С.И., Жураев И.Г. СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКАЯ АСПЕКТЫ ОКОЛОСУСТАВНЫХ ПЕРЕЛОМОВ	102
Индиаминов С.И., Шопулатов И.Б. СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКАЯ КВАЛИФИКАЦИЯ СТЕПЕНИ ТЯЖЕСТИ И МЕХАНИЗМ ФОРМИРОВАНИЯ ПЕРЕЛОМОВ КОСТЕЙ ЗАПЯСТЬЯ	106
Исомидинов Р.Р., Искандаров М.И. ОСИЛИШ ҲОЛАТЛАРИДА ТИЛ ОСТИ СУЯГИ ВА ҚАЛҚОНСИМОН ТОҒАЙ ЖАРОҲАТЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ	110
Лочинов Ф.Н., Ташпулатов Ф.Х. ТУРЛИ ЗАҲАРЛАНИШЛАРДАН ЮЗ БЕРГАН ЎЛИМНИНГ СУД-ТИББИЙ БАҲОЛАШ	112
Лочинов Ф.Н., Мирзахмедов Ж.М. ТАН ЖАРОҲАТИНИ ОҒИРЛИК ДАРАЖАСИ АНИҚЛАНМАГАН ҲОЛАТЛАРИНИНГ СУД-ТИББИЙ ТАҲЛИЛИ	115
Машарипов А.С., Бабажанова Н.Ш., Хударгенова Д.Р. СУД-ТИББИЙ ЛАБОРАТОРИЯЛАРДА СПЕРМА ДОҒЛАРИ МАВЖУДЛИГИНИ АНИҚЛАШДА ҚАТТИҚ ФАЗАЛИ ИММУНОФЕРМЕНТ АНАЛИЗ УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ	118
Мирахмедов Ш.М. ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИ НАТИЖАСИДА БОЛАЛАР ЎЛИМИНИНГ СУД-ТИББИЙ ТАҲЛИЛИ	121
Норов А.Т. МЕХАНИК АСФИКСИЯДАН ЮЗ БЕРГАН ЎЛИМ ҲОЛАТЛАРИНИНГ СУД-ТИББИЙ ТАҲЛИЛИ	125
Пулатов М.М. ПОСТАСФИКТИК ҲОЛАТЛАР ЮЗАСИДАН ЎТКАЗИЛГАН ЭКСПЕРТИЗАЛАРИНИНГ СУД-ТИББИЙ ТАҲЛИЛИ	129

## ТАН ЖАРОҲАТИНИ ОҒИРЛИК ДАРАЖАСИ АНИҚЛАНМАГАН ҲОЛАТЛАРНИНГ СУД-ТИББИЙ ТАҲЛИЛИ

Лочинов Ф.Н., Мирзахмедов Ж.М.

Тошкент тиббиёт академияси. Тошкент, Ўзбекистон

Республика Суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Тошкент вилоят филиали. Тошкент, Ўзбекистон

**Аннотация.** Ушбу мақолада РСТЭИАМ Тошкент вилоят филиалида 2019-2021 йилларда тирик шахсларга оид ўтказилган экспертизалар бўйича тан жароҳатининг оғирлик даражаси аниқланмаган ҳолатларнинг статистик таҳлили ва уларнинг сабаблари кўрсатилган.

**Калит сўзлар:** тан жароҳатлари, суд-тиббий экспертиза, тан жароҳатининг оғирлик даражаси баҳолаш.

**Мавзуни долзарблиги.** Ўзбекистон Республикасида қонун устуворлиги мамлакатнинг ривожланишидаги асосий тамойиллардан бири сифатида эътироф қилинган. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари иш фаолиятида гап инсоннинг соғлиги, ҳаёти ва ўлими устида борган ҳолларда, оғир жиноятлар, масалан, одам ўлдириш, номусга тегиш, қасддан тан жароҳати етказиш, йўл-транспорт ҳодисалари содир этилганда, тан жароҳати мавжудлиги, жойлашган ўрни, хосил бўлиш механизми, муддати, оғирлик даражаси каби саволларнинг ҳал этиш учун суд-тиббий экспертизасини ўтказилиши муҳим аҳамиятга эга.

Суд-тиббий экспертиза хизмати соғлиқни сақлаш муассасалари қаторига киргани ҳолда, жиний ва фуқаро ишларини суриштириш, тергов қилиш ва судда кўриш жараёнида вужудга келадиган тиббий-биологик масалаларни ҳал этиш, яъни суд-тиббий экспертизаларни ўтказиш унинг асосий вазифаси ҳисобланади. Айни пайтда суд-тиббий экспертиза муассасалари экспертиза материаллари бўйича аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш, травматизмнинг турли кўринишлари, заҳарланиш, тўсатдан ўлим ва бошқа бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида тавсиялар ишлаб чиқиши муҳим аҳамият касб этади.


Тан жароҳати тушунчаси жиноят ҳуқуқида қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилган ғайриқонуний ҳаракатлар натижасида соғлиққа етказилган зиённи англатади. Шундан келиб чиққан ҳолда суд тиббиётида соғлиқнинг бузилиши ёки ўлимга олиб келган бирон-бир ташқи

таъсир натижасидаги организм аъзо ва тўқималарининг анатомик бутунлиги ёки физиологик функциясининг бузилиши тан жароҳати деб баҳоланади.

Суд-тиббий экспертиза амалиётида умуман, айниқса мурда ва тирик шахсларнинг экспертизасида механик жароҳатлар етакчи ўринни эгаллайди. Сўнгги йилларда ўлим сабаблари структурасида механик жароҳатлар юрак-қон томир ва онкологик касалликлардан кейин туради. Жаҳоннинг барча мамлакатларида сўнгги даврда шикастланишларнинг кўпайиши ва уларнинг таркибида мураккаб жароҳатларнинг етказилиши билан боғлиқ ҳолатлар улушининг ортаётгани кузатилмоқда.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Суд-тиббий экспертиза материаллари бўйича тан жароҳатининг оғирлик даражаси аниқланмаган ҳолатларнинг ўрганиш ва статистик таҳлил қилиш йўли билан унга суд-тиббий баҳо бериш ҳамда тан жароҳатининг оғирлик даражаси аниқланмай қолишига сабаб бўладиган омилларни ўрганиш ҳамда уларнинг бартараф қилишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш.


**Текширув натижалари ва муҳокамаси.** Тирик шахсларга оид ўтказилган экспертизалар бўйича тан жароҳатининг оғирлик даражаси аниқланмаган ҳолатларнинг ўрганиш мақсадида Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий марказининг жойлардаги филиалларида 2021 йилда ва РСТЭИАМ Тошкент вилоят филиалининг жойлардаги бўлимларида 2019-2020-2021 йилларда ўтказилган эксперт хулосалари ўрганилди ва статистик кўрсаткичлар таҳлил қилинди.



Юқоридагиги маълумотларга кўра, 2021 йилда Республикада тирик шахсларга оид жами 190443 та экспертизалар ўтказилган бўлиб улардан 184853 таси тан жароҳати бўйича ўтказилган. Тан жароҳати юзасидан ўтказилган экспертизалардан 11005 та ҳолатда оғир тан жароҳати, 14124 та ҳолатда ўртача оғир тан жароҳати, 27041 та ҳолатда соғлиқнинг қисқа муддатга бузилиши билан энгил тан жароҳати, 101984 та ҳолатда энгил тан жароҳатлари аниқланган. 30536 та ҳолатда тан жароҳати аниқланмаган, 163 та ҳолатда тан жароҳатининг оғирлик даражаси аниқланмаган. Охиригги иккала ҳолатлар ўз навбатида суд-тиббий экспертиза жараёни учун кетган вақт ва маблағни фойдасиз сарфланишига сабаб бўлмоқда.


2019-2020-2021 йиллар давомида РСТЭИАМ Тошкент вилоят филиалининг жойлардаги бўлимларида жами 50140 та тирик шахсларга оид суд-

тиббий экспертизалар ўтказилган. Жами ўтказилган экспертизалар орасида тан жароҳатининг оғирлик даражаси аниқланмагани 53 та (0,1%) ташкил этган. Улардан 51 ҳолатда (96,2%) тан жароҳати ўтмас жисм таъсирида, 1 ҳолатда (1,9%) тан жароҳати ўткир жисм таъсирида ва 1 ҳолатда (1,9%) тан жароҳати юқори ҳарорат таъсирида юзага келган. Тан жароҳатининг оғирлик даражаси аниқланмаган 53 та ҳолатнинг 50 таси (94,3%) тиббий ҳужжатларда кўрсатилган ташхиснинг тасдиқлаш ёки инкор қилиш учун лозим бўлган қўшимча текширувлар (МСКТ, рентген текшируви, мутахассис маслаҳати) дан ўтмаганлиги сабаб бўлган. Фақат 3 та (5,7%) ҳолатда тиббий ташхисдаги ноаниқлик сабабидан тан жароҳатининг оғирлик даражасини аниқлашнинг имкони бўлмаган.



РСТЭИАМ Тошкент вилоят филиалида 2019-2020-2021 йиллар давомида тирик шахсларга оид ўтказилган экспертизалар таҳлилига кўра, 0,1% ҳолатда тан жароҳатининг оғирлик даражаси аниқланмаган. Тан жароҳатининг оғирлик даражаси аниқланмаслигига асосан (94,3%) тиббий ҳужжатларда кўрсатилган ташхиснинг тасдиқлаш

ёки инкор қилиш учун лозим бўлган қўшимча текширувлар (МСКТ, рентген текшируви, мутахассис маслахати)дан ўтмаганлик сабаб бўлганлиги ва (5,7%) ҳолатда тиббий ташхисдаги ноаниқлик сабабидан тан жароҳатининг оғирлик даражасини аниқлашнинг имкони бўлмаганлиги аниқланди.



- Тиббий ташхиснинг тасдиқлаш ёки инкор қилиш бўйича
- Тиббий ташхисдаги ноаниқлик сабаби бўйича

**Хулоса.** Юқоридагилардан келиб чиқиб, тан жароҳатининг оғирлик даражасини аниқланмаслик билан боғлиқ ҳолатларини олдини олиш мақсадида, уларнинг вужудга келишида аҳамиятли бўлган омилларни (тиббий ҳужжатларда кўрсатилган ташхиснинг тасдиқлаш ёки инкор қилиш учун лозим бўлган қўшимча текширувлар (МСКТ, рентген текшируви, мутахассис маслахати) дан ўтмаслик, тиббий ташхисдаги ноаниқлик ва х.к.з.) ўрганиш ва уларни бартараф қилишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари билан бир қаторда тиббиёт муассасалари шифокорлари ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш лозимки, тиббий ёрдамга мурожаат қилинган ҳолларда клиницист врачлар томонидан аниқланган тан жароҳатлари тўлиқ (жароҳатни тури, жойлашган жойи, шакли, шикастланган соҳа ва унинг атрофидаги тўқималарнинг ҳолати, ранги, яра бўлганда унинг учлари, четлари, туби, чекка деворининг ҳолати) ўрганилиши ва тегишли тиббий ҳужжатларда тўлақон тавсиф этилиши муҳимдир, чунки ушбу ҳужжатлар маълум бир муддатдан сўнг суд-тиббий экспертиза ихтиёрига тақдим этилади. Врачлар томонидан жароҳатларнинг юзаки ўрганилиши ва тиббий ҳужжатлардаги нотўлиқ тавсиф ёки фақат диагнозни келтириш билан чекланиш экспертиза олдига қўйилган вазифаларни бажаришда жиддий қийинчиликлар туғдиради.

#### Адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. Т.: “Адолат”, 2008 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси “Суд экспертиза тўғрисида” ги қонуни. 2010 йил 1 июн.
3. “Суд-тиббий экспертиза муассасаларида суд тиббиёт экспертизаларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома”. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 227-сонли буйруғи. 2011 йил 25 июл.
4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Тан жароҳатларининг оғирлик даражасини аниқлаш қоидалари” тўғрисидаги 153-сонли буйруғига 2-илова. 2012 йил 01 июн.
5. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Суд-тиббий экспертиза текширувларининг ўтказиш стандартларини тасдиқлаш” тўғрисидаги 82-сонли буйруғи. 2015 йил 04 апрел.
6. Искандаров А.И., Кўлдошев Д.Р. Суд тиббиёти. //Тиббиёт олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. - Тошкент, “MERIYUS” нашрети, 2009.
7. Фиёсов З.А. Суд тиббиёти. //Тиббиёт олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. - Тошкент, “Global Books” нашриёти, 2018.
8. Судебная медицина: национальное руководство /под ред. Ю.И.Пиголкина. - М.: ГЭОТАР-Медиа, 2018.